

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ДИНИЙ МАЗМУНДАГИ ВИРТУАЛ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ АҲАМИЯТИ

*Н.А.Абулҳасан, Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий Университети тадқиқотчиси*

Аннотация

Ушбу мақолада диний мазмундаги виртуал таҳдидларни амалга ошириш усуллари ва уларга қарши кураш олиб бориш заруратига эътибор қаратилиб, диний мазмундаги замонавий виртуал таҳдидларни амалга оширишда ахборот қуролларидан фойдаланиш ҳолатлари таснифи амалга оширилади. Диний мазмундаги ахборотларни тарқатишда лоббизм, тарғибот юритиш каби воситалардан фойдаланиш, виртуал таҳдидларни асл мақсад, манбалари ва жамият сиёсий барқарорлигига кўрсатадиган салбий таъсирлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *виртуал таҳдид, диний мазмундаги виртуал таҳдид, ахборот қуроллари, компьютер жиноятчилиги, лоббизм, тарғибот, виртуал ижтимоий ҳамжамиятлар.*

Аннотация

В данной статье проводится классификация случаев применения информационного оружия при реализации современных виртуальных угроз религиозного содержания, акцентируется внимание на методах реализации виртуальных угроз религиозного содержания и необходимости борьбы с ними. Проанализировано использование таких инструментов, как лоббирование, пропаганда при распространении информации религиозного содержания, негативное влияние виртуальных угроз на исходные цели, источники и политическую стабильность общества.

Ключевые слова: *виртуальная угроза, виртуальная угроза религиозного содержания, информационное оружие, компьютерная преступность, лоббизм, пропаганда, виртуальные социальные сообщества.*

Annotation

This article focuses on the methods of implementing virtual threats of religious content and the need to combat them, and classifies the use of information tools in the implementation of modern virtual threats of religious content. The use of tools such as lobbying, advocacy in disseminating religious information, and the negative impact of virtual threats on the original purpose, sources, and political stability of society were analyzed.

Keywords: *virtual threat, virtual threat in religious context, information tools, computer crime, lobbying, propaganda, virtual social communities.*

Дунё миқёсдаги глобал виртуаллаштириш сиёсатининг жадаллашуви диний мазмундаги виртуал таҳдидларни амалга ошириш усуллари ва уларга қарши кураш олиб бориш заруратини юзага келтирди. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида шакллана бошлаган виртуал таҳдидларнинг асосий тушунча ва

тамойиллари ўзининг аниқ изоҳларини талаб эта бошлади. Шу сабабли сиёсий фанлар доирасида виртуал таҳдидларни асл мақсад, манбалари ва жамият сиёсий барқарорлигига кўрсатадиган салбий таъсирларини илмий – нуқтаи-назардан ўрганиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бундай тадқиқотни олиб бориш жараёнида қўлга киритиладиган натижалар, илмий хулосалар сиёсий ҳаёт, диний таълим тизимини виртуаллаштириш, унинг ижобий ва салбий жиҳатларини тадқиқ қилишда методологик асос бўлиб хизмат қилади. Жаҳонда бугунги сиёсий тадқиқотларнинг таркибий қисми бўлиб келаётган диний мазмундаги виртуал таҳдидлар сиёсий фанларнинг эпистемологик қонуниятлари асосида ўрганишга зарурат кучайиб бормоқда. Мазкур тадқиқотда ҳозирги даврда диний мазмундаги виртуал таҳдидларни амалга ошириш усуллари ва уларга қарши кураш соҳасидаги мураккаб илмий концептуал муаммоларни чуқур ўрганиш, ёшларни диний эътиқодини мустаҳкамлашда виртуал тармоқ имкониятларидан рационал фойдаланиш, инсоннинг миллий ўзлигини англашида виртуал маконда тарқатилаётган диний ғояларни асл табиатини илмий нуқтаи-назардан ўрганишнинг аҳамияти кўрсатиб бериш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Ахборот жамиятининг шаклланиши шароитида сиёсий, маданий, ижтимоий ҳаётда диннинг роли тобора ортиб бормоқда. Аксарият ахборотлашган жамият назариётчилари бу жараённи десекуляризация ёки “секуляризмнинг чекиниши” деб баҳолашмоқда. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситаларининг ўсиб бораётган роли билан ажралиб турадиган глобал ижтимоий ўзгаришлар жамиятнинг диний соҳасига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Медиа канали сифатида интернет ўзининг ноёб хусусиятлари - мултимедия, гипертекстуаллик ва интерактивлик туфайли диний жамоаларнинг ахборот соҳасидаги эҳтиёжини қондиришга ҳам хизмат қилмоқда. Интернет ўзининг ахборотни тақдим этиш форматларининг мослашувчанлиги, горизонтал алоқаларни шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш қобилияти, шахсий ахборот майдони яратиш қобилияти орқали диний ахборотларни кенг оммага ёйиш, диний жамоа аъзоларининг ички ўзаро муносабатларини ўрнатиш жараёнида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Ҳозирги даврда диний мазмундаги виртуал таҳдидларни амалга оширишда қуйидаги ахборот қуролларидан фойдаланиш ҳолатлари кузатилмоқда:

1. Инсон онгига махфий равишда таъсир кўрсатишнинг ахборотга оид услублари ва усуллари: инсоннинг онгини ўзгарувчан ҳолатга олиб киргандан сўнг унинг тасаввурига таъсир кўрсатиш услублари; психикага таъсир ўтказувчи компьютер ўйинлари, дастурий маҳсулотларга суггестологик (ғайриихтиёрий равишда ишонтирувчи) қўшимчаларни киритиш, аудио, видео ва киноёзувлар; нейролингвистик ва ишоравий дастурлаш услублари, паранормал усуллар (масалан, вербал ва бошқа ахборот усуллари орқали экстрасенсор таъсир). Қатор мутахассилар психик-жисмоний қуролни, қуролнинг ушбу турининг инсон психикасига ахборот орқали таъсир кўрсатиш қисмига таалуқли, деб ҳисоблайдилар (масалан,

компьютер психологик вируслари). Мисол учун, Carbanak кибер жиноятчилик гуруҳи ҳамда унинг SWIFT номли хакерлари банк ва бир қатор молиявий институтлардан ҳар йили 1 млн АҚШ долларидан зиёд маблағни ўғирлайди. Бу турдаги жиноятларни амалга ошириш катта маблағ келтиргани ҳамда бу жиноятларни фош этиш қийин бўлгани сабабли ҳам, бугун хакерлик жиноятлари ва шунга ўхшаш ахборот хуружлари сони ортиб бормоқда.

2. Ўз ичига шахсий ва оммавий онгга ўз мақсадларини амалга ошириш ниятида психик, рефлексив даражада таъсир кўрсатиш мақсадида қуйидагиларини қамраб олувчи технологиялари ва усуллари: ишонтириш (танқидий қабул қилинмайдиган маълумотни, мантиқ ва идрокни уйғотмасдан туриб етказиш), ўз ғаразли мақсадлари йўлида бошқариш технологиялари, рефлексив бошқариш усуллари ва бошқалар, мажбурлаш (инсонда кўрқув уйғотувчи маълумотни етказиш), ушбу услублар кўпинча жамиятда маълум кайфиятни шакллантириш, маълум ахлоқий йўналишларни киртиш мақсадида ахборот технологиялари орқали амалга оширилади. Масалан, сўнгги бир йил мобайнида “ўргимчак тўри” деб аталмиш интернет орқали “Кўк кит” деб номланган хавфли ўйин МДХ мамлакатлари орасида кенг тарқалди. Баъзи маълумотларга кўра, 2016 йилда Россияда 720, Қирғизистонда 95, Қозоғистонда 33 ўсмирнинг ушбу ўйин туфайли ўз жонига қасд қилишга урингани қайд этилган. Россиянинг “Vkontakte” ижтимоий тармоғида “Кўк кит”, “f57”, “f58”, “4:20 да мени уйғот”, “Китлар денгизи”, “Югурасан ёки ўласан” номи билан 300 дан ортиқ разил суиқасд гуруҳлари мавжуд. Ачинарлиси, уларнинг домига илинаётганлар, асосан, ҳаётнинг аччиқ-чучугини ҳали англаб етмаган ўсмирлардир.

3. Ақлга асосланган ҳолда фикр қилиш даражасига таъсир кўрсатувчи ахборот воситалари. Бу усулнинг энг оддий усули бу нотўғри ахборот етказиш орқали таъсир кўрсатиш усулидир. Сир эмас, интернетдан фойдаланувчилар сони кундан-кунга ортмоқда, ер юзининг деярли исталган нуқтасида интернетга уланиш имкони мавжуд, дунёнинг 200 га яқин давлатида интернет мавжуд. Ахборотлашув жараёнининг ривожланиши компьютер жиноятчилиги ва компьютер терроризми каби янги жиноятларнинг пайдо бўлишига замин яратди. Янги ва ўрганилмаган жиноий соҳа сифатида инсоният учун хавфли ҳисобланган кибертерроризм муаммосини ҳал этиш алоҳида эътибор талаб қилади Интернет тармоғидаги очик манбалар орқали биологик, кимёвий ҳаттоки ядро қуролларини тайёрлаш технологияларини ўрганган ҳолда амалга оширилаётган террорчилик ҳаракатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эътиборини тортмоқда. Сайтларни ноқонуний йўллар билан бузиш орқали кибертеррорчилар турли махфий маълумотларни олиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Террорчи ташкилотлар ўз сафларини кенгайтириш ҳамда мақсадларига эришишда техника ва интернетнинг сўнгги имкониятларидан устамонлик фойдаланмоқдалар. Шу йўл билан террорчилик ҳаракатлари, мақсад ва вазифалари ҳақида маълумот бериш, ўз ғоя ва мафқурасини омма

орасида тарқатиш билан бирга интернет фойдаланувчиларига ахборот-психологик таъсир ўтказиш, одамлар ўртасида ваҳима уйғотиш, террорчилик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун маблағ йиғиш, заҳарли моддалар, портловчи восита ва қурилмалар ҳамда уларни тайёрлаш технологияси ҳақида маълумот бериш, террорчилик ташкилоти сафига янги аъзоларни қабул қилиш сингари ҳаракатларни амалга оширишмоқда. Бу каби ҳаракатларни “ИШИД” (“Ислоҳ Давлати”) террорчи ташкилоти томонидан устамонлик билан фойдаланилганида ҳам кўриш мумкин. Бу ташкилот биринчилар қаторида ўз тизимида ғоя ва мақсадларинитарғиб қилиш билан шуғулланувчи мутахассисларни бирлаштирган алоҳида тузилма ташкил этган. Бугунги кунда интернетда тарқатилаётган бу каби маълумотларнинг 80% Яқин Шарқ ҳудудларида фаолият юритаётган террорчи ташкилотларга тегишлидир. ОАВ маълумотлари таҳлили ҳамда жабрланувчиларнинг иқроорларига кўра, радикал ғояларнинг тарқатилиши ва ташкилотга ёллаш ҳаракатларининг аксарияти Facebook, ВКонтакте, Twitter, Youtube каби ижтимоий тармоқларда амалга ошрилмоқда.

Диний мазмундаги ахборотларни тарқатишда лоббизмдан фойдаланиш (лобби, лоббизм) – маълум бир мақсадларга эришиш мақсадида диний бошқарув (асосан) структураларига таъсир ўтказишнинг (тўғридан-тўғри ва билвосита) турли-туман усуллари тизимидир. Лоббизм, кейинчалик Америка Қўшма Штатларида тўлиқ юзага чиқиш билан (бунда у 1946 йилдан бошлаб рўйхатга олинади ва қонунга мувофиқ молиявий назорат остида бўлади) амалда нафақат ижтимоий-сиёсий тузилмалар балки диний тузулмалар учун ҳам характерли бўлди. «Лобби», «лоббизм», «лоббизмдан фойдаланиш» тушунчалари ва унинг бошқа ҳосилалари инглиз тилидаги сиёсий терминологиядан олинган (инглизчада lobby – ёпик сайр қилиш майдончаси, коридор деган маънони англатади). 1553 йилда монастирдаги сайр қилиш майдончасини кўрсатиш учун фойдаланилган. Орадан юз йил ўтгач Англиядаги умумлашувлар палатасининг сайр қилиш учун мўлжалланган хонасини шундай деб атай бошлаганлар. Америкада 1864 йилда «лоббизмдан фойдаланиш» атамаси конгресс коридорларида овозларни пулга сотиб олишни ифодалай бошлагандан кейин бу атама сиёсий тус олган.

Лоббизмдан фойдаланиш сиёсати:

-алоҳида ижтимоий ва сиёсий кучлар;

-алоҳида мамлакатлар ва ҳудудлар;

-хусусий ижтимоий ёки глобал муаммоларни ҳал қилиш стратегиялари фойдасига ўтказилиши мумкин.

Тарғибот юритиш (лотинчада propaganda – тарқатилиши лозим бўлган) – диний мазмундаги ижтимоий-сиёсий ғояларни омма орасида тарқатиш ва оммавийлаштиришни амалга оширадиган (оғзаки тарзда ёки оммавий ахборот воситалари ёрдамида) фаолиятдир. «Тарғибот юритиш» тушунчаси 1662 йилда черков умумлашмаларининг ўзига хос бирлашмасини (конгрегацияни) ҳосил қилган Ватикан томонидан киритилган, унинг вазифаси миссионерлик фаолияти ёрдамида диний ақидаларни тарқатишдан

иборат бўлган. Сиёсий тарғибот юритиш деганда сиёсий ҳаракатлар соҳасида олдиндан белгиланган маълум бир натижага эришиш учун индивидлар, гуруҳлар, жамият онгига тизимли равишда амалга ошириладиган таъсир ўтказиш ҳаракатлари тушунилади.

«Тарғибот юритиш» тушунчасига аксарият ҳолларда салбий маъно берилади. Кўпгина хорижий мутахассисларнинг эътироф этишларича, тарғибот юритиш алдаш, шахс устидан ахборот-психологик зўрлик ўтказиш ва унинг хулқ-атворини назорат қилиш воситаси бўлиб ҳисобланади. Инглиз назариётчиси Л. Фрезер фикрича «Тарғибот юритишни одамларни, вазиятга тааллуқли бўлган барча маълумотлар қўл остиларида бўлганда ҳам қилмаган ишларини қилишга мажбурлаш санъати сифатида таърифлаш мумкин». Оммавий ахборот воситаларининг таниқли америкалик тадқиқотчиси Лассуэлнинг таъкидлашича, одамларни тарғибот юритиш ёрдамида бошқаришни уларни зўравонлик, бойкот (бирор нарсадан норозилик ифодаси сифатида муносабатларга қисман ёки тўлиқ чек қўйиш), сотиб олиш ёки ижтимоий назорат қилишнинг бошқа воситалари ёрдамида бошқаришдан мақсад эмас, балки услуб ажратиб туради. Америкалик психологларнинг фикрларига кўра, тарғибот юритишнинг моҳияти шундан иборатки, унинг таъсири остида ҳар бир индивид ўзини унинг ўзини тутиши гўёки унинг ўзининг қарорларидан келиб чиққандай тутади. Худди шу тарзда одамлар гуруҳининг хулқ-атворини ҳам манипуляциялаш мумкин, бунда гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўзимнинг фикрим билан иш кўряпман деб ҳисоблайди.

Тарғибот юритиш фикрлашга қараганда ҳис туйғуларга кўпроқ таъсир кўрсатади. Тарғибот юритиш тўғридан-тўғри ёки билвосита тарзда инсоннинг барча ҳиссиётларига – кўркув каби оддий ҳиссиётларга, фахрланиш ёки саргузаштларга қизиқиш каби мураккаб ҳиссиётларга, очкўзлик каби номуносиб ҳиссиётларга ёки ҳамдардлик ёки ўз-ўзини ҳурмат қилиш каби яхши ҳиссиётларга, ўз-ўзини яхши кўриш каби эгоистик ҳиссиётларга ёки оилани севиш каби бошқаларга қаратилган ҳиссиётларга таъсир кўрсатади. Инсоннинг барча ҳиссиётлари ва инстинктлари у ёки бу пайтда тарғибот юритувчиларга улар учун нишон бўлиб хизмат қилган, одамларнинг ўзларини тутишига таъсир ўтказиш ёки таъсир ўтказишга уриниб кўриш имконини берган. Тарғибот юритиш шартли равишда «оқ», «кул ранг» ва «қора» тарғиботга бўлинади. Оқ тарғибот одатда расмий манба ёки унинг органларидан бирининг номидан олиб борилади. У ошқора бўлади, текширилган маълумотлардан фойдаланади ва ўзининг мақсадларини ниқобламайди. Кул ранг тарғибот маълум бир ахборот манбаини кўрсатмайди, текширилмаган маълумотлардан фойдаланади, одамларни адаштиришга интилади. Қора тарғибот ҳар доим ўзининг ҳақиқий ахборот манбаини яширади, том маънодаги алдовларга асосланади. Ривожланган демократик давлатларда кул ранг ва айниқса қора тарғибот қонун билан таъқиқланган ва таъқиб қилинади. Шунга қарамасдан у амал қилади ва тоза фаолият олиб бормайдиган оммавий ахборот воситалари томонидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланилади.

Тарғибот юритишда ахборот-психологик таъсир ўтказишнинг «тарғибот юритиш алифбоси» номи билан маълум бўлган куйидаги етти асосий усуллари ажратилади: «Ёрликлар ёпиштириш ёки осиб қўйиш» (name calling). «Порлаб турувчи мулоқотлар» ёки «ярқираган мавҳумлик» (glittering generality). «Кўчириб ўтказиш» ёки «трансфер» (transfer). «Обрў-эътиборга таяниш», «тавсияси бўйича», «далолат беришича» ёки «шаҳодатлаш» (testimonial). «Ўзимизнинг болалар» ёки «оддий халққа ўйнаш» (plain Folks). «Карталарни аралаштириб юбориш» ёки «карталарни танлаб жойлаштириш» (card stacking). «Умумий вагон», «умумий платформа» ёки «оркестрли фургон» (band wagon). Тарғибот юритишнинг бу приёмлари тизимлаштирилган кўринишда ўтган асрнинг 30-йиллари охирида Америка Қўшма Штатларининг тарғибот юритишни таҳлил қилиш Институти томонидан ифодалаб берилган. Тарғибот юритишнинг таъсир кўрсатиш босқичлари: эътиборни жалб қилиш ва қизиқиш уйғотиш босқичи; эмоционал рағбатланиш босқичи; ҳосил қилинган қалтислик қандай қилиб коммуникаторнинг маслаҳати бўйича ечим топиши мумкинлигини намоёйиш қилиш босқичидан иборат.

Замонавий иқтисодий рақобатлар ва сиёсий курашларда ахборот курашининг инқирозларни бошқариш каби шакли кенг тарқалган (инглизчада – Crisis management). Инқирозларни бошқаришда маълум бир ижтимоий субъектларнинг манфаатлари йўлида инқирозли вазиятларни яратиш ва бошқариш технологияларидан фойдаланилади. Бу технологиялардан кўпроқ иқтисодий рақобатлар ва сийсий курашларда шахсни махфий равишда мажбур қилиш учун фойдаланилади, уларда одамларни яширин тарзда мажбур қилишнинг турли-туман усуллари ва воситаларининг мажмуаси қўлланилади. Инқирозларни бошқариш разведка қилиш услублари ва технологияларига таянади, унинг илдизлари «корпорацияларни разведка қилиш»га бориб тақалади. Ёки бошқача қилиб айтганда, бу разведка қилиш услублари орқали олинган ахборотдан фойда олиш ва иқтисодий масалаларни ҳал қилиш учун бевосита фойдаланиш имконини берадиган махсус «инқироз» технологиялари билан бирлашган разведка қилиш услубларидир.

Инқироз технологияларида ахборот етказишнинг турли-туман (амалда, ҳар қандай) каналларидан фойдаланилади. Бу оммавий ахборот воситалари ва оммавий коммуникация воситалари, фирма ичидаги хизмат ёзувлари, тўпланиб дам олиш пайтидаги суҳбатлар, хатлар, телефон кўнғироқлари ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Ахборотни етказиш каналларидан фойдаланишда «ноқулай ҳолатларнинг олдини олиш тадбирлари» тамойили қўлланилади, унга кўра, худди қоидада кўрсатилгандай, фикрларни ҳосил қилиш учун ахборотни етказишнинг бир нечта каналларидан фойдаланилади.

Инқироз технологиялари мажмуасининг биринчи қисми – соф разведка технологияларидир, улардан бутун дунёдаги разведка органлари, шунингдек нодавлат разведка тузилмалари (ихтисослаштирилган нодавлат ва хусусий разведка фирмалари, йирик компанияларнинг разведка бўлинмалари ёки

корпорацияларнинг разведка хизмати ва бошқалар) фойдаланади. Иккинчи қисми ўзига хос инқироз технологияларининг ўзлари ташкил қилади. Одамни яширин тарзда мажбур қилиш инқироз технологияларининг моҳияти ва психологик мазмунини ташкил қилади. 'crisis management' да «фикр + таъсир кўрсатиш» бирикмаси керакли фикрни ҳосил қилиш ва керакли таъсир кўрсатиш имконини берадиган технологик усуллар билан биргаликда қўлланилади. Инқироз технологиялари буни жинойй жавобгарлик остига тушиб қолмасдан (қонун доирасидан ташқарига чиқмаган ҳолда ва жинойй жавобгарликка тортиш учун асос бўладиган ҳеч қандай ҳаракатларни содир қилмаган ҳолда) амалга ошириш имконини беради.

Шантаж (шахснинг сирлари фош бўлиб қолишидан кўркишидан унга пўписа қилиш йўли билан ундан фойдаланиш) ахборот-психологик уруш операцияси сафатида қадимдан маълум. Кейинги вақтларда шантаж айнан ахборот-психологик урушлар контекстида тобора кўпроқ ва тез-тез қўлланилмоқда. Шантаж – шантаж объекти таъсир ўтказиш субъекти томонидан қўйилган шартларни бажаришдан бош тортган тақдирда, объект учун кераксиз бўлган ёқимсиз оқибатларнинг реал тарзда келиб чиқиши бошланадиган вазиятга тушиб қолишини таъминлайдиган шарт-шароитларни яратишдир. Объект учун келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларнинг айнан керак эмаслиги шантажнинг асосини ташкил қилади, уни кучли ва ўта хавфли қуролга айлантиради.

Шантажнинг хавфлилиги яна шу билан ортадики, объект кўпинча субъект томонидан қилинаётган пўписанинг қанчалик реал эканлигини текшириб кўриш имкониятига эга бўлмайди. Кўпинча объект, пўписаларнинг фаразларга асосланганлигини тушунсада, субъектнинг пўписалари қуруқ ёлғонлардан иборат эканлиги тўғрисида ахборот олиш имконияти йўқлиги туфайли, субъект учун фойдали бўлган ҳаракатларни содир қилишга мажбур бўлади. Таъсир ўтказиш субъектининг ҳар доим ҳам очикчасига ҳаракат қилавермаслиги шантажнинг яна бир ўзига хос хусусияти бўлиб ҳисобланади. Кўпинча объект уни айнан ким шантаж қилганлигини билолмайди. Шантажга кўпинча гаровга олиш мақсадида ўғирлаб кетиш ҳамроҳлик қилади, бу вазиятни ўта даражада кескинлаштиради ва объектнинг субъектни нейтраллашга йўналтирилган фаол ҳаракатларини сезиларли даражада қисиб қўяди. Шантаж қўлланилган вазиятда объект шантаж қилувчининг таклифини қабул қилиш ёки рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш зарурлиги ҳолатига тушиб қолади. Субъект объектни фош қиладиган ахборотдан фойдаланган ҳолатда объект унинг имиджига етказилиши мумкин бўлган зарарни ва келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни баҳолашга уриниб кўради. Агар шантаж гаровга олиш мақсадида ўғирлаб кетиш ва ушлаб туришга таянадиган бўлса, у ҳолда картага уларнинг соғлиги, кўпинча эса ҳаёти тикилади. Мақсадлари бўйича шантаж: пул олиш; қурол-яроғлар, наркотиклар, ҳаракатланиш воситалари ва ҳоказоларни қўлга киритиш; объектни қандайдир бир ҳаракатларни содир қилиш ёки бош тортишга ундашга шартли равишда бўлинади. Мазмуни

бўйича шантаж қуйидаги турларга бўлинади: сиёсий шантаж; иқтисодий шантаж; психологик шантаж; аралаш шантаж. Дунё амалиётининг кўрсатишича, объект субъектнинг барча талабларини мутлақо тўлиқ бажарган тақдирда ҳам субъектнинг ўз сўзида туришига ҳеч қандай қафолат берилмайди. Бошқа томондан эса, шантаж қилувчининг талабларини бажаришдан бош тортиш ҳам шантажчи ўзининг пўписаларини ҳақиқатга айлантормаслигига ҳеч қандай қафолат бера олмайди.

Хулоса қилганда, биринчидан, виртуал ижтимоий ҳамжамиятлар – бутун Ер шари бўйлаб тарқалган, виртуал тизимнинг барча элементлари учун ягона бўлган умумий мақсадга эришиш доирасида очиқ телекоммуникацион тармоқлар билан бир қаторда ҳисобланадиган сиёсий жараёнлар билан бирлашган турли хил ижтимоий тизимлар ва уларнинг элементлари, ахборот маконининг сегментлари, интеллектуал ва моддий ресурсларнинг манабалари жамланмасини ўз ичига оладиган ижтимоий тизимлардир. Очиқ телекоммуникацион тармоқлар тизим ҳосил қилувчи бош омил бўлиб ҳисобланади, улар тизим элементлари ўртасидаги ўзаро ҳаракатларни таъминлайди.

Иккинчидан, очиқ телекоммуникацион тармоқлар фақатгина ахборот (ахборот-психологик) фаолиятнинг турли субъектлари ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш, уларнинг интеллектуал ва моддий-техник салоҳиятини бошқариладиган ягона тузилмага бирлаштириш, зарурий куч ва воситаларни тезда жамлаш, уларни тезкорлик билан фаолиятнинг асосий йўналишларига сафарбар қилиш (тўплаш) воситаси бўлиб қолмасдан, балки реал вақт режимида ушбу фаолиятни узлуксиз бошқариш ва мувофиқлаштириш жараёнини ташкил қилишнинг ҳам самарали воситаси бўлиб ҳисобланади. Ўзаро ҳаракатларнинг бундай шаклида ижтимоий тузилмалар вақтинчалик (аниқ масалалар ёки масалалар гуруҳини ҳал қилиш учун) ёки доимий асосда бирлашишлари мумкин.

Учинчидан, виртуал ижтимоий ҳамжамиятлар, ташкил қилинганлик ва таъсир ўтказиш даражаси бўйича тармоқ социумларини ортда қолдирган ҳолда, ахборот-психологик маконда ижтимоий муносабатларнинг амал қилишининг тубдан янги барқарор шакли бўлиб ҳисобланади. Виртуал ижтимоий ҳамжамиятлар унинг ташкилотчилари томонидан улар танлаган давлат (ёки давлатлар гуруҳи) ҳудудида ушбу давлатларнинг ижтимоий тузилмаларининг элементлари ва ахборот-психологик фаолиятнинг бошқа субъектларидан маълум бир мақсадларга эришиш учун фойдаланиш мақсадида яратилади.

Тўртинчидан, онлайн ҳамжамияти ўзида ахборот фаоллик ва ҳаракатларнинг одамлар, гуруҳлар ва ташкилотлар томонидан интертармоқларда онлайн режимида оммавий тарзда кўчирилишига асосланган фаолият субъектларининг ҳамжамиятни тақдим қилади. Internetнинг ривожланишига одамлар томонидан ўзларининг ахборот фаоллигини, шунингдек бир-бирлари билан бўладиган ахборий ўзаро ҳаракатларини анъанавий ахборот-коммуникацион технологиялар билан

яратиладиган муҳитдан Internet тармоғнинг виртуал муҳитига, яъни онлайнга оммавий тарзда кўчириб ўтказилиши ҳамроҳлик қилади. Шу тариқа Internet-технологияларнинг ижтимоий-иқтисодий қўйилмаларининг асосий натижаларидан бири жамиятда кўп сонли онлайн ҳамжамиятларининг пайдо бўлишидан иборат бўлади. Онлайн ҳамжамиятлари энг оддий ҳолатда ўзида уларнинг мулоқот қилиши Internet-технологиялардан фойдаланишга (WEB-форумлар, рўйхатлар, жўнатмалар, чатлар ва ҳоказолар) асосланган одамлар гуруҳини тақдим қилади. Мураккаброқ бўлган ҳолларда одамлар мулоқот қилишнинг виртуал усулига қўшимча равишда ўзларининг фаолиятларини келишиш ва мувофиқлаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий тизимларни бошқаришнинг бозор моделидан ҳам, шажаравий моделларидан ҳам фарқ қиладиган ўзига хос услубларидан фойдаланадилар. Ўзларининг ижтимоий-иқтисодий фаолиятларини онлайн режимида амалга оширадиган одамлар гуруҳлари тўлиқ функционал онлайн ҳамжамиятлари деб аталадиган ҳамжамиятларни ҳосил қиладилар. Масалан, тармоқ иқтисодиёти онлайн ҳамжамиятининг турларидан бири бўлиб ҳисобланади, унда иштирокчилар ўзларининг ўзаро иқтисодий ҳаракатларини Internet-технологиялар воситасида амалга ошириш билан кўпроқ иқтисодий мақсад ва вазифаларни амалга оширадилар. Умумий ҳолатда онлайн ҳамжамиятлари фақатгина иқтисодиётда эмас, балки одамларнинг биргаликдаги фаолиятининг ҳар қандай соҳасида ҳам вужудга келиши ва амал қилиши мумкин. Янги ахборот технологияларга ўтиш одамларнинг онлайнга кўчиб ўтишларида одамлар ўртасидаги ахборот ўзаро ҳаракатларнинг самарадорлигини ошириш имконини беради. Бу инсон фаолиятининг барча жабҳаларида онлайн ҳамжамиятларининг оммавий тарзда шаклланиши учун шароит яратади.

Бешинчидан, тармоқ социуми – бу уларнинг ўзаро ҳаракатлари кўпроқ глобал компьютер тармоқларида бўлиб ўтадиган одамлар гуруҳидир. Ўзининг умумийликка тегишли эканлигини англаш тармоқ социумининг мажбурий характеристикаси бўлиб ҳисобланади, социум аъзолари умумий мафкура (идеология), анъаналар ва ҳоказолар билан ўзаро боғланган бўлади. Социумнинг, тармоқ социуми каби тубдан янги турининг шаклланиши онлайн ҳамжамиятларининг ривожланишидан бошланган. Реал ҳаётда ҳар қандай гуруҳ ўзаро ҳаракатларга ташқи муҳитда киришади. Тармоқ ҳамжамиятларининг ноёблиги шундаки, улар ташқи муҳит бутунлай бўлмаганда ҳам фаолият кўрсатаверади. Тармоқда нисбатан барқарор ижтимоий гуруҳларнинг вужудга келиши шу билан шартланадики, бунда индивидуал мақсадларга эришиш фақатгина гуруҳларни яратиш орқали мумкин бўлади. Аксарият ҳолларда қизиқарли ёки фойдали мулоқот мақсад бўлиб ҳисобланади. Бир кишининг мулоқот қилиши етарлича қийин бўлганлиги учун гуруҳ ташкил қилинади. Бу гуруҳлар гуруҳнинг ўзига нисбатан қандайдир бир ташқи мақсадга эга бўлмайди. Гуруҳ амал қилишининг бутун мазмуни гуруҳнинг ичида жойлашади, гуруҳ ўзининг аъзоларининг манфаатларига хизмат қилиш учун яратилади ва шундан ортиқ нарсани кўзда тутмайди. Гуруҳ аъзолари бир-бирларини “тугатишлари

биланоқ”, гуруҳ тарқалиб кетади. Бу - гуруҳга нисбатан ташқи мақсадга эга бўлган тармоқ ҳамжамиятларига – тармоқ воситасида фаолиятни амалга оширадиган масофадан туриб ўқитиш гуруҳларига, турли хил тижорат тузилмалари ва шунга ўхшашларга тегишли бўлмайди.

Олтинчидан, виртуал коалициялар – бу ахборот жамияти ва глобал ахборот макони учун характерли бўлган геосиёсий рақобат субъектларидир. Геосиёсий рақобатнинг глобал ва ҳудудий даража – давлатлар ва давлатлараро ҳар хил коалициялар даражасида амал қиладиган анъанавий субъектларидан ташқари, ахборот маконида геосиёсий курашни ҳам ўз ичига оладиган принципал янги ҳосил бўлишлар – “виртуал” иттифоқлар ва коалициялар вужудга келади, уларга давлатлар, фаолият кўламлари глобал характерга эга бўлган (яъни каттагина географик ҳудудларни ва/ёки ахборот маконининг сегментларини қамраб оладиган), фаолият натижалари эса халқаро даражада давлатлар ва уларнинг коалицияларининг сиёсатига таъсир кўрсатадиган оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган трансмиллий корпорациялар, медиа-холдинглар ва ҳоказолар тенг ҳуқуқлар асосида кириши мумкин. Бунда давлат суверенитети, ўзининг ҳудудси ва аҳолисига эга бўлиш ҳеч қачон субъектнинг геосиёсий рақобатда иштирок этишининг мажбурий шарти бўлиб ҳисобланмайди, бу ахборот маконининг индустриал макондан сезиларли даражада фарқ қилишини таъминлайди.

Хулоса қилганда, бугунги кунда интернетдан фойдаланмайдиган одамни топиш қийин. Аммо виртуал маконнинг кенг имкониятларидан нафақат тинчлик мақсадларида балки турли кўриниш ва даражадаги таҳдидларни амалга оширишда ҳам фойдаланилмоқда. Бундай таҳдидлар фирибгарлик, банк ҳисобларини бўшатиш учун пароллар ва шахсий маълумотларни ўғирлаш кабилар билан чеклангани йўқ. Интернетда нафақат фойдаланувчиларнинг пуллари учун, балки уларнинг ҳаётига ҳам чекиш кўйишга йўналтирилган таҳдидлар ҳам тобора кучайиб бормоқда. Виртуал тармоқда бизнинг “ҳаётимиз” учун курашаётганлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Бу жараёнда кимдир экстремистик ғояларни тарғиб қиладиган бўлса, бошқалари ўз диний эътиқодларини сингдиришга интилмоқда, бошқалари эса миссонерлик ғояси орқали "бахтга йўли"ни таклиф қилмоқдалар.